

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

ТАСДИҚЛАНГАН

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
2014 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ -ракам

“OHANGARONSHIFER”  
акциядорлик жамияти  
акциядорларининг  
2014 йил « 25 » 12 кундаги  
№ 8 сонли  
умумий йиғилиши томонидан

М.Ў.



*[Handwritten signature]*

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI  
OHANGARON TUMANI HOMILIGI HUZURIDAGI  
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI RO'YHATDAN  
O'TKAZISH INSPEKSIYASI

**“OHANGARONSHIFER”**  
акциядорлик жамиятининг

# УСТАВИ

(янги тахрир)

## МУНДАРИЖА

1.	Умумий коидалар	3
2.	Жамият жойлашган ери (почта манзили)	3
3.	Жамиятнинг юридик мақоми	3-4
4.	Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари	4
5.	Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	4-5
6.	Жамият устав капиталининг миқдори, уни қупайтириш ёки камайтириш тартиби	5-6
7.	Жамият акциялари турлари, уларнинг номинал қиймати	6
8.	Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қозғалди	7
9.	Жамиятнинг захира ва бошқа фондлари	7
10.	Дивидендларни тўлаш	7
11.	Жамиятнинг бошқарув органлари	7
12.	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши	8
13.	Жамият қузатув кенгаши	9-10
14.	Жамиятнинг ижроия органи	10-12
15.	Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш	12-13
16.	Яқуний коидалар	13-14

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «OHANGARONSHIFER» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 1994 йил 30 июндаги 429к-ПО-сонли «OHANGARONSHIFER» ишлаб чиқариш бирлашмасини очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги бўйруғига асосан ташкил этилган.

1.2. Жамият аввал:

- Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 1994 йил 14 декабрда 227 рақам билан давлат рўйхатига олинган;

- Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар Хокимияти томонидан 1994 йил 23 декабрда 465-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

1.3. Жамиятнинг ўзбек тилидаги тўлиқ фирма номи:

**«OHANGARONSHIFER» акциядорлик жамияти.**

Жамиятнинг ўзбек тилидаги қисқартирилган фирма номи:

**«OHANGARONSHIFER» АЖ;**

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ фирма номи:

**Акционерное общество «OHANGARONSHIFER»;**

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган фирма номи

**АО «OHANGARONSHIFER»** деб аталади.

## 2. ЖАМИЯТ ЖОЙЛАШГАН ЕРИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, саноат худуди,  
Индекс: 110300.

2.2. Жамиятнинг расмий веб сайти: [www.shifer.uz](http://www.shifer.uz)

2.3. Жамиятнинг электрон почта манзили: [office@shifer.uz](mailto:office@shifer.uz)

## 3. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.2. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

3.3. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини ақс этирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

3.4. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Устав талабларига амал қилади.

3.5. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра 3 (уч) иш куни ичида уларга Жамиятнинг Устави, шу жумладан унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорининг талабига кўра унга Жамият Уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

3.6. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамиятнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

3.7. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

3.8. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

3.9. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланмайди. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади.

3.11. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

#### **4. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4.1. Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига ишлаб чиқаришнинг илғор технологияларини тадбиқ қилиш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш ҳамда қурилиш объектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва турли тижорат хизматлари кўрсатиш орқали фойда олиш ҳисобланади.

4.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари:

❖ азбестцементли шиферлар, азбестцементли қувурлар ва муфтлар, керамик черепица ва керамик плиталар ишлаб чиқариш;

❖ ишлаб чиқариш, маркетинг, воситачилик, монтаж-қурилиш, ишга тушириш – созлаш, инвестиция, илмий - лойиҳавий, сервис, аҳоли ва корхоналарга транспорт хизматлари кўрсатиш фаолиятлари, шунингдек қонун билан таъқиқланмаган, Уставда белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган фаолиятнинг бошқа турлари;

4.3. Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шугулланиши мумкин.

4.4. Уставда кўрсатилган фаолият мақсадлари ва предметларини амалга ошириш учун, махсус рухсатнома талаб қилинган ҳолларда, қонунда белгиланган тартибда, мазкур рухсатномани олганидан сўнг, Жамият бу фаолиятни амалга оширади.

#### **5. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдидан турган вазифаларни бажаришда Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

❖ минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

❖ МДҲ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

❖ ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни келишилган нархлар ва тарифларга асосан сотиш;

❖ республика ва ундан танқари ҳудудларда шўъба хўжалик жамиятлари, филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб – чиқариш цехлари ва шахобчалари, ҳамда бошқа янги корхоналарни белгиланган тартибда тузиш, таъсис қилиш ва тугатиш;

❖ ўқув юртлари билан келишилган ҳолда малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;

❖ қўшма фаолият шартномасига асосланиб Жамият ва унинг филиалларининг фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этиш (шу ҳолда олинган фойданинг тақсимоли шартномада белгиланади);

❖ Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва jisмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;

- ❖ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш ва уларни ижарага бериш;
- ❖ уюшма, иттифок, консорциум ва акциядорлик бирлашмаларига аъзо бўлиш;
- ❖ белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шакллари бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини конвертациялаш;
- ❖ ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз қармоғи (баланси) дан мол – мулк, қарз, қамомад, фойдаланишга яроқсиз автотранспорт воситалари ва механизмларни шунингдек бошқа зиёнларини чиқариш;
- ❖ Жамият Устави томонидан белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш – техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом – ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;
- ❖ ким – ошди савдоларида, савдо танловларида қатнашиш;
- ❖ хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;
- ❖ қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун кўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёزلарни ташкил этиш.

5.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

5.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## **6. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КУПАЙТИРИШ ЁКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

6.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши шарт.

6.2. Жамиятнинг устав капитали унинг мол – мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди ва 1 231 330 000 (Бир миллиард икки юз ўттиз бир миллион уч юз ўттиз минг) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 5000 (беш минг) сўм бўлган 221 639 (икки юз йигирма бир минг олти юз ўттиз тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 24 627 (йигирма тўрт минг олти юз йигирма етти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

6.3. Жамият ўзи чиқараётган акцияларни очиқ ёки ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириши мумкин.

6.4. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

6.5. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.6. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.7. Кўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

6.8. Жамият устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.9. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.10. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.11. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

6.12. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.13. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, биржа ва биржадан ташқари бозорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

6.14. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

6.15. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.16. Жамият устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият устав капиталининг Жамият уставидagi тегишли ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

6.17. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамият акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.18. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорда устав капиталини камайтириш сабаблари кўрсатилади ва уни камайтириш тартибини белгиланади.

6.19. Жамият устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

## **7. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ**

7.1. Жамият томонидан 221 639 (икки юз йигирма бир минг олти юз ўттиз тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 24 627 (йигирма тўрт минг олти юз йигирма етти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан чиқарилган ва жойлаштирилган.

7.2. Жамият акцияларининг номинал қиймати 5 000 сўм.

## **8. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ**

8.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

8.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

8.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори; доирасида чиқаришга ҳақли.

8.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш мазкур устав ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **9. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ**

9.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан захира фондини ташкил этилади.

9.2. Жамият устав капиталининг ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

9.3. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

9.6. Агар захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.

9.7. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

## **10. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ**

10.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

10.2. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

10.3. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **11. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

11.1. Жамиятни бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- ❖ Кузатув кенгаши;
- ❖ Ижроия органи.

## 12. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашиши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек белгиланган тартибда жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари (масалалар) кўриб чиқилади.

12.4. Акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

12.5. Акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

❖ Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

❖ Жамиятни қайта ташкил этиш;

❖ Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

❖ Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатида илгари тугатиш;

❖ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

❖ Жамиятнинг капиталини камайтириш;

❖ ўз акцияларини олиш;

❖ Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш);

❖ Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатида илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

❖ Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва бизнес-режасини тасдиқлаш;

❖ Жамиятнинг йиллик фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

❖ Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш;

❖ имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

❖ акциядорлар Умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

❖ акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

❖ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият номидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

❖ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.6. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги низом асосида чақирилади ва ўтказилади.



### 13. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

- 13.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:
- ❖ Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
  - ❖ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
  - ❖ акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
  - ❖ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
  - ❖ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
  - ❖ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
  - ❖ мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
  - ❖ корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи вазомни тасдиқлаш;
  - ❖ жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режасини ҳар йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқуллаш;
  - ❖ ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бори шва вазомини тасдиқлаш;
  - ❖ жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
  - ❖ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - ❖ жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
  - ❖ дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
  - ❖ жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
  - ❖ жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
  - ❖ жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
  - ❖ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - ❖ жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
  - ❖ жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
  - ❖ ушбу Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
  - ❖ жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ❖ қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ❖ жамият устави қўпол тарзда бузилганда ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилганда жамиятнинг ижроия органи раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш);
- ❖ ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш.

13.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

13.4. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

13.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби 5 кишидан иборат.

13.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.7. Жамият директори жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.8. Айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

13.10. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

13.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

13.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

13.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

13.15. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

#### 14. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги Ижроия органи (Бош директор) томонидан амалга оширилади.

14.2. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланадилар).

14.3. Жамият Бош директори Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

14.4. Жамият Бош директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

14.5. Жамият Бош директори билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

14.6. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бош директори билан меҳнат шартномаси тузадилар.

14.7. Жамият Ижроия органи акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

14.8. Жамият Бош директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- ❖ Устав ва Жамият кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- ❖ Жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- ❖ Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- ❖ Жамият мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузиш;

- ❖ Штатларни белгилаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- ❖ Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- ❖ Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- ❖ Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ❖ Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

- ❖ ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- ❖ Акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- ❖ Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- ❖ Жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- ❖ Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- ❖ Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- ❖ амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишонччилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- ❖ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсларнинг талабига кўра тақдим этиш;

- ❖ статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- ❖ Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

- ❖ Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлаш;

❖ ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

❖ Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

❖ Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

14.9. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

14.10. Жамият Бош директори қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

## 15. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

### а) Тафтиш комиссияси

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 аъзодан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

15.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

15.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

❖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш;

❖ жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслардан жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ваколатлар.

15.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

15.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

15.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

❖ жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

❖ бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

15.7. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу уставнинг 15.6. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

## **б) Ички аудит хизмати**

15.8. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.9. Активларининг баланс қиймати мазкур уставнинг 15.8. бандида белгиланган миқдордан кам бўлган тақдирда ҳам Жамият кузатув кенгашининг қарорига асосан ички аудит хизмати ташкил этилиши мумкин.

15.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.11. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## **в) Аудиторлик ташкилоти**

15.12. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

15.13. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **г) Корпоратив маслаҳатчи**

15.14. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

15.15. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

## **16. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

16.1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида кузатув кенгаши томонидан мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.5. Мазкур устав билан назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

16.6. Жамият кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низомларда белгиланади.

**Бош директор**

**Д.Б.Ахунджанов**



ТИКИПГАН

14 (94) 27/07/2014

ВАРОКЛА

ИМЗО

